

# Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

#13 (2099) | ШАНБА, 1 АПРЕЛЬ 2023 ЙИЛ

WWW.XOLISNAZAR.UZ

@XOLIS\_NAZAR

@XOLISNAZAR

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ 452 ТА  
МАҲАЛЛАНИНГ ҲАР БИРИГА ТЎҒРИДАН-  
ТЎҒРИ 500 МИЛЛИОН СЎМДАН ҚЎШИМЧА  
МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ. МУАММОНИ  
МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИ КЎТАРСИН, ЎЗИГА ПУЛ  
БЕРАЙЛИК, ЎЗИ НАЗОРАТ ҚИЛСИН»



## «БИЗ БИТТА ЭЛ ВА БИТТА ЮРТМИЗ!»

2-  
саҳифада

ЎҚИТУВЧИ ВА ШИФОКОР  
ФАОЛИЯТИГА АРАЛАШМАНГ.  
ЖАЗОЛАНСИЗ!



4

ПОЙТАХТДАГИ 20 МИНГДАН  
ЗИЁД МУАММО ЖОЙИДА  
ҲАЛ ЭТИЛДИ



5

«ДУБАЙДА ДАМ  
ОЛГУНЧА, КУЧАНИ  
ТАЪМИРЛАДИК...»



8

«АВВАЛГИЛАРГА ҲАМ,  
БИЗЛАРГА ҲАМ РЎЗА ТУТИШ  
ФАРЗ ҚИЛИНГАН»



16



# «БИЗ БИТТА ЭЛ ВА БИТТА ЮРТМИЗ!»

**«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ 452 ТА МАҲАЛЛАНИНГ ҲАР БИРИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ 500 МИЛЛИОН СЎМДАН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ. МУАММОНИ МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИ КЎТАРСИН, ЎЗИГА ПУЛ БЕРАЙЛИК, ЎЗИ НАЗОРАТ ҚИЛСИН»**

Президент Шавкат Мирзиёев 30 март куни маҳалламизга ташриф буюриб, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди, бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Ислохотлар, янгиланишлар айнан маҳалладан бошланишини таъкидлаб, ҳар бир маҳалла ходими бу жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлиши зарурлигини қайд этди.

Айтиш керакки, йиғинимизда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Юртимиз маҳаллаларидаги манзилли ишлар Нукус шаҳридаги «Алтин жағис»да ҳам ўз натижасини бермоқда. Тан олиб айтиш керак, ҳудудимиз яқин-яқингача транспортлар бориши қийин, коммуникация тармоқлари камчил жой эди. Қатор ижтимоий муаммолар одамларни қийнаб келарди. Яшаш учун зарур бўлган энг муҳим шароитларни яратишни аҳоли кўздан бери кутарди.

Шу боис ўтган йили йиғинимиз «Обод маҳалла» дастурига киритилиб, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Йўл, электр энергияси, ичимлик сув ҳамда газ тармоқлари янгиланди. Маҳалла биноси янгидан қурилиб, унинг атрофида болалар майдончалари, тиббиёт пункти, тадбиркорликка қўмаклашувчи марказ, савдо шохобчаси ташкил этилди. Ҳозирда замонавий спорт мажмуаси қуриб битказилмоқда. Бундай яхлит мажмуа аҳолига қулайлик яратади.

**Бугун маҳалладаги ўзгаришлардан одамлар мамнун.** Президент ташаббуслари ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Давлатимиз раҳбари фаоллар билан суҳбатлашар экан, бундай янгиланишлар ҳали давом этиши, бу жараёнда маҳаллаларнинг роли ва аҳамияти янада ошиши, тадбиркорлик муҳити, ишбилармонлик айнан йиғинларда шаклланишини қайд этди.

«Маҳаллангиз обод бўлганини, одамлар юзидаги розиликни кўриб хурсандман. Буни ҳамма жойда давом эттирамиз. Қорақалпоғистон маҳаллаларини обод қилиш, сув, йўл, электр таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча ва тиббиёт пунктларини қуриш ва таъмирлаш

учун бу йил 1,5 триллион сўм берялмиз. Бундан ташқари, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Муаммони маҳалланинг ўзи кўтарсин, ўзига пул берайлик, ўзи назорат қилсин. Шунда сифат ва манфаат бўлади. Одамлар рози бўлади», — деди Президент.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари ташриф доирасида Кегейли туманида ўтказилган йиғилишда Қорақалпоғистон аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратилган учта янги ташаббусни билдирди.

**Биринчиси**, юқорида қайд этилган ҳар бир маҳаллага 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилиши билан боғлиқ. Бунинг учун алоҳида Қорақалпоғистон маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб, унга жорий йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

**Иккинчиси**, ҳозирда Қорақалпоғистонда 47 мингта уй-жой ва кўчмас мулкларнинг кадастри йўқ. Бу аҳолини ипотека олиш, томорқасида деҳқончиликка кредит, субсидия олиш, яшаётган бошпанасини фарзандларига мерос қолдириш имкониятини чекляпти. Шу боис икки ой давомида 38 минг қорақалпоғистонликнинг уй-жой кадастри тўлиқ қилиб берилди.

**Учинчиси**, Қорақалпоғистонда ҳар йили 6,5-7 мингта уй-жойга талаб бор. Аҳоли талабини инобатга олиб, жорий йилда ўтган йилга нисбатан 2 баравар кўп ёки 4 мингта уй-жой қурилади. Бунга қўшимча равишда замонавий лойиҳа асосида 4 мингта яқка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотихдан ер ажратилади.

Алоҳида қайд этишим керак, Президентнинг ҳар уччала

““

«Маҳаллангиз обод бўлганини, одамлар юзидаги розиликни кўриб хурсандман. Буни ҳамма жойда давом эттирамиз. Қорақалпоғистон маҳаллаларини обод қилиш, сув, йўл, электр таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча ва тиббиёт пунктларини қуриш ва таъмирлаш учун бу йил 1,5 триллион сўм берялмиз. Бундан ташқари, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Муаммони маҳалланинг ўзи кўтарсин, ўзига пул берайлик, ўзи назорат қилсин. Шунда сифат ва манфаат бўлади. Одамлар рози бўлади», — деди Президент.

ташаббуси айнан Қорақалпоғистонда жорий этиляпти. Яъни бундай имкониятлар ҳали бирорта ҳудудда берилмаган. Шунинг ўзиёқ Президент Оролбўйи халқига алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётгани, уларнинг оғирини енгил қилишга астойдил интиляётганини алоҳида қайд қилиш керак. Бундай ишончни, албатта, меҳнатимиз билан оқлаймиз.

**Фақат бугина эмас.** Ҳозир ҳамма вилоятлар Қорақалпоғистонни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Ҳар бир туманга вазирилари, вилоят ҳокимлари, идора ва банклар раҳбарлари бириктирилган. Уларнинг ёрдами билан жорий йилда 452 та маҳалладаги шароити оғир 21 мингта хонадон таъмирланади, 709 та уй янгидан қуриб берилди. Бунга бюджетдан 132 миллиард сўм, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 232 миллиард сўм ажратилади.

**Қорақалпоғистонда 72 минг расмий ишсиз бор.** Ҳар йили 43 минг ёшлар меҳнат бозорига кириб келади. Шуларни ҳисобга олиб, 193 минг иш ўрни яратиш ва Қорақалпоғистонни «ишсизликдан холи ҳудуд»га айлантириш мақсад қилиб қўйилди. Бу борада йирик корхона ва кластерлар, кончилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва қишлоқ хўжалигини имкониятлар ишга солинади.

Бу ҳақда сўз кетганда, маҳалламизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Афсуски, маҳалламизнинг ери унумдор эмас. Аҳоли, асосан, хизмат кўрсатиш орқали даромад олади. Бу ерда маиший хизмат шохобчалари, тикувчилик корхоналари, новвойхона, мебелсозлик ва техник хизмат

устахоналари бор. Келгусида қўнчилик ва балиқчиликни ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Бунинг учун барча имкониятларимиз етарли, фойдалансак бас.

Алоҳида таъкидлашим керак, Президент маҳалладаги ўзгаришларни шунчаки кўздан кечирмади, ҳар бири бўйича тегишли маълумотлар билан танишди. Шароитдан келиб чиқиб, бунёдкорлик ишларини янада давлатимиз раҳбари бўйича қўшимча имкониятларни ишга солиш, одамларни рози қилиш борасида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ҳозир юртимизда муборак Рамазон ойи давом этмоқда. Қувонарлиси, ташриф давомида давлатимиз раҳбари шу ерлик Қуёншбай Сейтназаров хонадонидан ифторлик қилди, маҳалламиз аҳлининг сумалак сайлида иштирок этди. Самимий суҳбатлар асносида юртимизга қут-баракат, халқимизга тинчлик-фаровонлик, аҳиллик, оилаларимизга хотиржамлик тиланди.

**Биз битта эл ва битта юртимиз!** Ўзбек ва қорақалпоқлар икки тилли бир эл саналади. Асрлар давомида бирга яшаб, дўст, қариндош бўлиб, бир халққа айланиб кетганмиз. Бугун мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти йўлида ҳамжиҳатмиз. Давлат раҳбарининг бу галги ташрифи халқимизга қувонч, эртанги кунимизга ишонч улашди. Одамларимиз бу заминда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳаларни мамнунлик билан қарши олди. Уйлайманки, эзгу ташаббусларнинг ижроси ҳар бир қорақалпоқ хонадонига барака олиб киради.

**Нигоргул ГОБЕНОВА,**  
Нукус шаҳридаги «Алтин жағис» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Файзиобод» муаммолари вазир эътиборида



Маҳаллалар жамиятнинг кичик бўғини сифатида оилаларда тинчлик-тотувликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Бехзод Мусаев Учқўрғон туманидаги «Файзиобод» маҳалласида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.

2022 йил декабрь ойида янги қурилиб, фойдаланишга топширилган маҳалла биносида барча ходимлар учун алоҳида хоналар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири замонавий моддий-техника воситалари ва мебель жиҳозлари билан таъминланган.

Шунингдек, вазир Президентнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузил-

масини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича Учқўрғон туманидаги жами 32 та объектда аҳолини тоза ичимлик сув, узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ҳамда йўлларни асфальтлаш ишларини ўрганди.

«Файзиобод» маҳалласидаги «Обиджон Акмалхон ҳамкор» МЧЖ томонидан 4,2 км. масофада ичимлик сув тармоғи тортиш ҳамда бир дона сув иншооти ўрнатиш ишлари билан танишди.

Мухбиримиз.



## НАФАҚАЛАР «ПРОАКТИВ ШАКЛ»ДА ТАЙИНЛАНАДИ

**НАФАҚА ОЛУВЧИ ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН БОШҚА ТУМАН (ШАҲАР)ГА КЎЧГАНДА, НАФАҚАНИ ТЎЛАШ ЯНГИ ЯШАШ ЖОЙИ БЎЙИЧА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ. БУНДА НАФАҚА ТЎЛАШ АВВАЛГИ ЯШАШ ЖОЙИ БЎЙИЧА НАФАҚА ТЎЛАШ ТЎХТАТИЛГАН ВАҚТДАН БОШЛАБ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ**

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар давлатимизнинг доимий эътиборида. Уларнинг яшashi, меҳнат қилиши, ижтимоий ҳимояси, давлат хизматларидан фойдаланиши бўйича қатор имтиёзлар мавжуд. Жумладан, бу тоифадаги баъзи шахсларга нафақалар улардан кўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда «проактив шакл»да тайинланади, айримларига бепул етказиб бериладиган озик-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарлари ўрнига кўшимча тўловлар тўланади.

### КИМЛАРГА ИЖТИМОЙ НАФАҚА ТЎЛАНАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги тегишли қарори билан «Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланди. Низомга кўра, нафақалар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, мамлакатда доимий яшайдиган хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тайинланади.

Низом билан қуйидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақаларни тайинлаш тартиблари белгиланди:

- ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга — **ногиронлик нафақаси**;
- ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга — **парваришлаш нафақаси**;
- давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга — **ногиронлик нафақаси**;
- давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларига — **боқувчисини йўқотганлик нафақаси**;
- давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга — **ёшга доир нафақа**.

### МУҲИМ ЖИҲАТ:

ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга нафақа ҳамда парваришлаш нафақаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик томонидан «проактив шакл»да тайинланади. Ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик ва ёшга доир нафақалар тайинлаши учун Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали мурожаат қилинади. Бунда нафақа инсон омилсиз автоматик тарзда тайинланади.

### НАФАҚАЛАР ҚАНДАЙ ТАЙИНЛАНАДИ?

Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлгандан сўнг исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин. ДХМ маълумот олингандан сўнг 5 дақиқа ичида нафақа тайинланган тақдирда, **нафақани қачон ва қардан олиш тўғрисида** мурожаат қилувчини хабардор қилади.

Нафақалар нафақа олувчининг хоҳишига кўра, нафақани етказиб бериш (топириш) ваколати юкланган ташкилот ёки фуқароларнинг депозит ҳисобварақларига пул ўтказиш йўли билан банк филиали орқали тўланади. Нафақалар ҳар ойда белгиланган муддатларда, бироқ **жорий тўлов ойдан кечикмай** тўланади.

Нафақа олувчи Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаш учун **бошқа туман (шаҳар)га кўчганда**, нафақани тўлаш янги яшаш жойи бўйича давом эттирилади. Бундай ҳолатда

нафақа тўлаш аввалги яшаш жойи бўйича нафақа тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

Боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг барчасига **битта умумий нафақа** тайинланади. Оила аъзосининг талабига кўра, унинг нафақадаги улуши ажратилади ва унга алоҳида тўланади. Бунда тайинланган нафақанинг умумий миқдори олувчиларнинг умумий сонига бўлинади.

Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси улар бошқа пенсиялар ва нафақалар олишидан қатъи назар, **18 ёшга тўлгунга қадар** тайинланади.

Нафақани тўлаш нафақа олувчи вафот этганда, нафақа олиш ҳуқуқи йўқолганда, хорижий давлатда бўлган даврида пенсия (ижтимоий нафақа) олгани аниқланганда, доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетилганда **тўхтатилади**. Шунингдек, нафақа олувчи озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган тақдирда, тайинланган нафақани тўлаш тўхтатилади ва жазодан озод этилгандан кейин мурожаат қилинган кундан бошлаб қайта тикланади.

**Умуман олганда, юқоридаги Низом билан беш турдаги ижтимоий нафақаларни тўлашнинг аниқ тартиблари белгиланди. Бу мазкур нафақаларни олувчиларга олдиндан тегишли ҳужжатларни тайёрлаш имконини бериб, ортиқча овозгарчиликларнинг олдини олади.**

Санжар ИБРОҲИМОВ.

# ЎҚИТУВЧИ ВА ШИФОКОР ФАОЛИЯТИГА АРАЛАШМАНГ. ЖАЗОЛАНСИЗ!



**ПЕДАГОГ ХОДИМНИ МЕҲНАТГА БИРОР-БИР ШАКЛДА ТАҚРОР МАЖБУРЛАШ 45 МЛН.  
СЎМДАН 60 МЛН. СЎМГАЧА МИҚДОРДА ЖАРИМА ЁКИ 3 ЙИЛГАЧА МУАЙЯН ҲУҚУҚДАН  
МАҲРУМ ҚИЛИШ ЁХУД АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ БИЛАН ЖАЗОЛАНАДИ**

Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 27 март санасида иккита муҳим қонунга имзо чекди. Унга кўра, педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, шунингдек, тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хўш, бу қўшимча ва ўзгартишлар нималардан иборат?

## ЎҚИТУВЧИ БОШҚА ИШЛАРГА МАЖБУРЛАНСА...

Сир эмас, кўп ҳолларда қандайдир янги ташаббус илгари сурилса, албатта, уларнинг бир учи ўқитувчиларга бориб тақаларди. Мисол учун, авваллари пахта терими ёки бошқа қишлоқ хўжалиги юмушлари бўладими, кўча ва хиёбонларни тозалаш, ободонлаштириш ишлари бўладими, педагоглар муттасил жалб қилинарди. Ёки бўлмаса, сўнги кунларда «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида ўқитувчиларнинг овоз йиғиш жараёнига мажбурланаётгани ҳақида эшитиб қоляпмиз. Президент имзолаган янги қонун билан энди бунга чек қўйилади.

Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, меҳнатга бирор-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш **БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Эндиликда мазкур кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчага кўра, худди шундай ҳуқуқбузарлик таълим ташкилоти педагог ходимига нисбатан содир этилса, **БҲМнинг 100 бараваридан 150 бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Қонунчиликда илгари бундай норма мавжуд эмас эди.

Жиноят кодексига педагогларга қарши ҳаракат учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланди ва жазо кучайтирилди. Яъни педагог ходимни меҳнатга бирор-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш учун, агар худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо

қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, **БҲМнинг 150 бараваридан 200 бараваригача** миқдорда жарима ёки **3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** ёхуд **ахлоқ тузатиш ишлари** жазоси белгиланди. Мазкур кодексда илгари бундай норма мавжуд эмас эди.

Шунингдек, педагог ходимнинг касбий фаолиятига таълим олувчиларнинг билимини тўғри ва холис баҳолашига таъсир кўрсатиш билан ифодаланган тарзда қонунга хилоф равишда аралашуш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилди. Эндиликда бу қилмиш учун фуқароларга **БҲМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача** жарима, мансабдор шахсларга **эса 10 бараваридан 15 бараваригача** (3 млн. сўмдан 6 млн. сўмгача) жарима солишга сабаб бўлади. Илгари худди шундай ҳуқуқбузарлик учун фуқароларга **БҲМнинг 5 баравардан 7 бараваригача**, мансабдор шахсларга **БҲМнинг 7 баравардан 10 бараваригача** жарима тўларди.

Эътиборли жиҳати, илгари педагогнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш учун фақат жарима жазоси белгиланганди. Эндиликда ушбу қилмиш 1 йил давомида тақдор содир этилса, фуқароларга **БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача** (илгари 7 баравардан 10 бараваригача), мансабдор шахсларга **15 бараваридан 20 бараваригача** (илгари 10 баравардан 15 бараваригача) миқдорда жарима солишга ёки **15 суткагача маъмурий қамоққа** олишга (илгари ушбу жазо чораси қўлланилмаган) сабаб бўлади.

## ШИФОКОРНИ УРГАНЛАР ЭНДИ ҚАМАЛАДИ

Жамиятимизда нафақат педагог ходимларнинг, балки тиббиёт ходимларининг фаолиятига аралашуш ҳолатлари ҳам учраб туради. Шу билан бирга, охириги пайтларда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан шифокорларга тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу жараёнда тиббиёт ходимларини беморларнинг соғлиғи ёмонлашишида ёки ўлимида асосиз равишда айблаш юз бермоқда.

Бироқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда хизмат вазифаларини бажарётган тиббиёт ходимларига нисбатан қонунга хилоф равишда турли шаклларда таъсир ўтказганлик, уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри маъмурий жавобгарлик белгиланмаган. Президент имзолаган янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча киритилди.

Унга кўра, мазкур кодекс янги норма билан тўлдирилди. Эндиликда тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш фуқароларга **БҲМнинг 5 бараваридан 7 бараваригача**, мансабдор шахсларга **7 бараваридан 10 бараваригача** миқдорда жарима солишга ёки **15 суткагача** муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ҳар икки қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Юқоридаги ўзгартиришлар педагог ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олиш, шарафли касбларнинг мақоми ва нуфузи ошишига хизмат қилади. Фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, малакали таълим беришга замин ҳозирлайди.

Муҳаммад Али ИБРОҲИМОВ.

## 30 миллион сўмгача бир марталик тўлов


Ҳукуматнинг 2023 йил 23 мартдаги тегишли қарори билан «Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ ҳаражатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисида низо» тасдиқланди.

Низомга кўра, ер участкасини аукцион орқали сотиб олиш ҳаражатларидан келиб чиққан ҳолда, оиласи таркибида ногиронлиги бўлган шахслар сонидан қатъи назар, БҲМнинг 100 бараваригача миқдорда бир марталик тўлов ажратилади. Бунда ҳаражатлар ушбу миқдордан юқори бўлган ҳолларда, БҲМнинг 100 бараваригача бўлган қисми қоплаб берилади. Имтиёзли тоифадаги шахслар қуйидаги мезонларга мувофиқ келиши керак:

- охириги 12 ой давомида ўзи ёки оила аъзолари номида яшаш учун мўлжалланган турар жойи ёки ер участкаси мавжуд бўлмастлиги;
  - ер участкаси охириги 3 ой ичида аукцион орқали харид қилинган ва Ўзбекистон ҳудудида бўлиши;
  - ногиронлиги бўлган шахс деб топилган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»нинг бирида турган бўлиши.
- Имтиёзли тоифадаги шахс

аукцион орқали ер участкаси сотиб олгандан бошлаб 3 ой ичида ўз ҳудудидаги туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига мурожаат қилиши лозим (ушбу муддатдан кечикиб берилган аризалар кўриб чиқилмайди).

Маблағ ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилингандан сўнг 5 иш кунинда имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аризасида кўрсатилган банк пластик ҳисобварағига маблағ ўтказилиши таъминланади.



БИЛАСИЗМИ?



## ПОЙТАХТДАГИ 20 МИНГДАН ЗИЁД МУАММО ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Давлат раҳбари топшириғига асосан тузилган Республика ишчи гуруҳи фаолиятининг навбатдаги манзили Тошкент шаҳри бўлди. Шу кунга қадар пойтахтнинг 533 та маҳалласидаги 700 мингдан зиёд хонадондан 43 фоизи ўрганилди. Уйма-уй юриш давомида 41 мингга яқин муаммолар аниқланиб, 20 мингдан зиёди жойида ҳал этилди, қолган масалалар бўйича ишлар назоратга олинди.

Тадбиркорликни янада ривожлантириш учун тижорат банкларида 7 487 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 222,1 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Бундан 509 миллион сўм маблағни 21 нафар талабгорга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида тақсимланди.

Соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари бўйича 8 011 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Касаллик аниқланган 429 нафар бемор шаҳар шифохоналарига ётқизилди, 19 нафарига республика муассасаларида даволаниш учун йўланма берилди. 25 нафар бемор шаҳар шифохоналарига ётқизилиб, юқори технологик амалиёт ўтказилди.

«Аёллар дафтари»га киритилган 146 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга бир марталик ёрдам сифатида 1,2 млн. сўмдан жами 175,2 млн. сўм моддий ёрдам ажратилди.

Пойтахтнинг коммуникация тармоқлари, инфратузилма ҳолати ва уларни яхшилаш масалалари Республика ишчи гуруҳи эътибори марказида бўлди. Хусусан, туманларда 15 та газ тақсимлаш

пунктлари, 271 та аҳоли хонадонларидаги газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилди, 6,3 км. газ тармоқларида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 39 км. янги тармоқ тортилиб, 5 та трансформатор, 30 та темир-бетон таянчлар ўрнатилди. Шаҳар бўйича 32 км. эскирган ичимлик сув тармоқларини мукамал таъмирланди. Шу билан бирга, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг пойтахтда бажарилиш ишлари гуруҳи аъзоларининг алоҳида назоратида бўлиб келяпти.

Чилонзор туманида 4,3 км. ирригация тармоқлари тозаланиб, лойиҳа доирасида 3000 дона гул кўчатлари экилди. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан «Олмазор – Чиноз», «Янги йўл – Пахта», «Пахта – Олмазор» йўналишлари, «Олмазор – Чиноз» бекатлари оралиғида жами 4,9 км. темир йўл ёқаларида ободонлаштириш, ҳудудни чиқиндилардан тозалаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, бошқа ҳудудлардаги ўрганишларда ижроси назоратга олинган муаммолар ҳам

босқичма-босқич ҳал этилмоқда.

**Жиззах вилояти** Арнасой туманидаги Чинобод маҳалласида 3 км. ичимлик суви, 7,2 километрга яқин электр тармоғи тортилди, 3 км. тупроқ йўл шағаллаштирилди, 4 та кўча асфальтланди. Пидедалар йўлакчалари барпо қилиниб, симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. Бундан ташқари, маҳалладаги 12-мактабнинг кўшимча ўқув хоналари ва янги маданият зали, чинободликлар учун 12 ўринли тиббиёт маскани бунёд этиш ишларига ҳам айнан аҳоли мурожаатлари асос бўлди. Жиззах вилоятининг 74 та маҳалласида ичимлик сув билан боғлиқ энг долзарб тизимли масалалар ҳал қилинди.

**Сирдарё вилояти**даги 112 та маҳаллада дастурлар асосида бунёдкорлик ишлари олиб борилляпти. Жумладан, ишчи гуруҳи ўрганишларидан сўнг жами 13,4 км. йўл таъмирланди. Шундан, 8,7 км. йўлга асфальт ётқизилди, 2,7 км. бетонлаштирилди, 2 км. шағаллаштирилди. 61 та темир-бетон таянчлар, 6 та трансформатор ўрнатилди, 2,8 км. янги тармоқ тортилди. 16,6 км. ичимлик сув тармоғи тортилди, 2 дона қудук

ва 5 дона сув минораси қурилиш ишлари бажарилди.

«Оққўрғон тажрибаси» асосидаги фаолиятдан кўзланган яна бир мақсад – аҳолининг дастурхони тўқинлиги-ю рўзғори бутлигини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда 541 нафар жисмоний ва юридик шахсларга 13 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Шундан, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 195 нафар фуқарога 4,1 млрд. сўм имтиёзли кредитлар берилди. «Бинокор» маҳалласи аҳолиси тиббий кўриқдан ўтиш учун аввал Янгиер шаҳри марказига борган бўлса, энди ўрганишлар асосида маҳалланинг ўзида контейнер қўйилиб, тиббиёт пункти ташкил қилинди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётимизга жорий қилинган халқ билан мулоқот тизимининг янги-янги механизмлари шу кўҳна замин бағрига эзгу ниятлар билан қадалаётган ниҳоллар каби умидбахш, бунёдкорликка эш, ободлик манзилларига туташ. Аслида ҳам олам эски, аммо одам қалби доим янгидир.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Чорбоғ» кўчалари чароғон бўлади

Бу йил Андижон туманидаги 52 та маҳаллада 56 та қурилиш-таъмирлаш ишлари режаланган. Яъни 35 та маҳаллада 122,5 млрд. сўмлик ички йўлларни таъмирлаш, 5 та маҳаллада 4 миллиард сўмлик тоза ичимлик суви тармоғини тортиш белгиланган. Бунинг учун қарийб 132 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Бизнинг «Чорбоғ» маҳалласига 200 млн. сўм ҳисобига трансформатор ва бетон-таянч устунлар ўрнатиш кўзда тутилган. Бугунгача трансформатор ва бетон таянчлар ўрнатилди. Ҳозирда электр симлар тортиш ишлари олиб борилляпти.

Бу Президентнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасида бажариладиган тадбирлардан. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар натижасида вилоят маҳаллалари инфратузилмаси яхшиланиб, аҳоли учун қулайликлар яратилади.

Феруза НИЁЗОВА,  
Андижон тумани «Чорбоғ» маҳалласи раиси.



# «ЭЪТИБОР ИШИМИЗГА РАЎБАТ БАҒИШЛАЙДИ»



## АСЛИДА, ЭНГ ҚИЙИН, МУРАККАБ ВАЗИФА — МАҲАЛЛА РАИСИ, ФАОЛЛАРИНИНГ ИШИ. ЧУНКИ УЛАР ХОНАДОНМА-ХОНАДОН ЮРИБ, ОДАМЛАР БИЛАН МУОМАЛА, МУНОСАБАТ ҚИЛАДИГАН КИШИ, УЛАРИНИНГ ДАРДУ ТАШВИШИДАН БОХАБАРДИРЛАР

2020 йил 2 март санасида «Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун Президент томонидан имзоланганди. Шунга кўра, уч йилдан буён 22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунини сифатида нишонлаб келинади. Айтиш керакки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари кунининг белгиланиши соҳага, хусусан, унинг заҳматқаш ходимларининг фаолиятига нисбатан давлатимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлигининг амалий ифодасидир.

Маҳалла тизими ходимлари кунининг 22 март санасига белгиланишининг ўзига хос рамзий сабаблари мавжуд. Зеро, 21 март кунини Шарқ халқларида бўлгани сингари бизнинг юртимизда ҳам шарқона янги йил — Наврўз байрами сифатида нишонланади. 22 март — кеча билан кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш, баҳорнинг бошланиш даврига тўғри келади.

Наврўз байрами ва маҳаллаларни бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Наврўз ҳақида сўз юритганда, беихтиёр кўз олдимизга шарқона маҳаллалар келади. Қадим замонлардаёқ бу байрам маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари бошчилигида нишонланган. Шу боис 22 март кунини, яъни Наврўз байрамидан кейинги сананинг маҳалла тизими ходимлари кунини сифатида нишонланиши аслида қўшалоқ байрам ҳисобланади.

Бу йилги байрам мен учун ҳар йилгидан-да қувончли келди. Боиси давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 22 мартдаги «Маҳалла тизими ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ юрtdошларимизни мукофотлаш тўғрисида»ги фармони мубофик, «Дўстлик» ордени билан мукофотландим. Бу мукофот нафақат менга, балки йиғинимиз ободлиги, фаровонлиги, ривожланиши учун ўз ҳиссасини

кўшаётган ҳар бир маҳалладошимизга берилган эътироф, деб биламан.

Давлатимиз раҳбари байрам муносабати билан табрик йўллади. Очиғи, табрикда билдирилган фикрлар, эътирофлар, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ролини янада оширишга қаратилган режалар барча раисларни қувонтириб юборди. Мисол учун, фуқаролар йиғинига ўзи жойлашган ҳудуддаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига таклифлар киритиш, Кенгаш қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи берилиши маҳалладаги муаммоларнинг ич-ичига кириб бориш, уларни юзага келтираётган омилларни бартараф этиш имкониятини беради.

Ёки бўлмаса, аҳоли ўртасида эътирозларга сабаб бўлаётган ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш учун маҳалла раиси томонидан муҳокамалар ўтказиш, ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилиб, «маҳалла назорати» ва «маҳалла раиси сўрови» институтлари жорий этилиши маҳалланинг жамият ҳаётидаги ролини янада оширади, муаммоларни жойида

ҳал этишга хизмат қилади.

Қолаверса, «Маҳалла бюджетини» тизими асосида мол-мулк ва ер солиғининг бир қисми маҳаллаларнинг ўзида қолдирилиши йиғинлардаги мавжуд муаммоларни бевосита маҳалла томонидан мустақил ҳал этилишига шароит яратади. Бу орқали энди маҳалла ҳудудидаги қайсибир масаланинг ечимидеги тегишли дастурлар, ҳокимликлар қарорларини кутиб ўтиришга ҳожат қолмайди, ўз бюджетимиз орқали уларни ҳал этиб борамиз. Кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш имконига эга бўламиз.

Президент табригида барча соҳа ва йўналишлар бўйича «маҳаллабай» ишлаш тизими кенг жорий этилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани ижобий самара бераётгани таъкидланди. Чиндан ҳам, бугун фуқаролар йиғинларидаги «бешлик» фаолиятдан одамлар мамнун. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги орқали қанчадан-қанча фуқаролар ишли бўлди, имтиёзли кредитлар эвазига ўз бизнесини йўлга қўйди, субсидия асосида ўз хонадонидан чиқмаган ҳолда даромадли меҳнат билан таъминланди.

Бу жараёнларда бир жиҳат кўзга ташланди: аслида, энг қийин, мураккаб вазифа — маҳалла раиси, фаолларининг иши экан. Чунки улар хонадонма-хонадон юриб, одамлар билан муомала, муносабат қиладиган киши, уларнинг дарду ташвишидан

бохабардирлар. Айнан маҳалла фаоллари ўз ишини аъло даражада бажарар экан, маҳалладаги муҳит ҳам шунга яраша соғлом бўлади, ҳар қандай соҳада яхши натижаларга эришиш мумкин.

Биргина ўзимиз истиқомат қиладиган маҳаллани олайлик. Маҳаллада шу пайтга қадар асфальт кўчанинг ўзи йўқ эди, «шағал тўшалган йўл бўлса қанийди», дея орзу қилардик. Ўтган йили 2,5 километр йўл асфальт қилинди. Боғча йўқ эди, кейинги йилларда тўртта оилавий боғча, битта 60 ўринли давлат боғчаси қад ростлади. Маҳалламизнинг биноси ўтган йили ҳомийлар ёрдамида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу каби эзгу ишлар ҳамон давом этмоқда.

Умуман олганда, бугун маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг таянч устунига, чинакам халқчил тузилмага айлантириш бўйича олиб бориладиган ишлардан одамлар мамнун. Зеро, шу орқали уларни қийнаётган муаммолар маҳалланинг ўзида ечим топмоқда, кўпчилик уйдан чиқмаган ҳолда рўзғор тебратмоқда. Неча йиллар давомида ёзда чанг, қишда лой билан қоришган кўчалар ободликка юз тутди, олис овулларга ҳам оби-ҳаёт кириб борди. Буларнинг барчаси — маҳаллага берилган эътибор, ҳар бир масалани «маҳаллабай» ҳал этишга қаратилган ишлар самарасидир.

**Шухрат САЙФУЛЛАЕВ,**  
Самарқанд вилояти  
Қўшрабoт туманидаги  
«Соҳибкор» маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси,  
«Дўстлик» ордени соҳиб.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

## «Аёллар дафтари»да бўлганларга тиббий кўмак берилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 апрелдаги «Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг вояга етмаган фарзандларига тиббий ёрдам кўрсатилади.

Мазкур дафтарга киритилган хотин-қизларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларига даволаш, дори воситаларини олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатлари тўлаб берилади.

Бунда дори-дармон олиб бериш учун **БҲМнинг 20 бараваригача (6,6 млн. сўмгача)** ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун **БҲМнинг 100 бараваригача (33 млн. сўмгача)** миқдордаги харажатлар «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Қолаверса, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган фарзандларининг, шунингдек, лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга даволаниш учун бориш-келиш йўл харажатлари секторлар раҳбарлари хулосасига асосан, «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади.

Бунда хотин-қизлар йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларни тегишли туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этади. Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, йўлқирага ҳақ тўлаш ҳар бир километрга **БҲМнинг 0,08 фоизи миқдорида** амалга оширилади.



## «БИРЛАШИБ, БИЗ КАТТА КУЧГА АЙЛАНДИК...»

**2017 йил қишлоқ туман бўйича «ЭНГ НАМУНАЛИ ҚИШЛОҚ», 2018 йилда «ЭНГ ОБОД ҚИШЛОҚ» ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН БЎЛСА, ШУ ЙИЛИ «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ**

Маҳалламизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, худудни ободонлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни аҳоли қизғин қўллаб-қувватлапти. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, бандлик даражасини ошириш, аҳолининг маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кенг қўламли чора-тадбирлар жамоатчилик ташаббуси ва иштирокида фаол тус олган.

2016 йилдан бошлаб, раис сифатида ишлаб келмоқдаман. Маҳалламизда 1 144 та оилада 5 миллат вакиллари иборат 5 204 нафар фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг 2 647 нафари хотин-қизлардир. Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла тизимини ислоҳ қилиш, уни чинакам халқ минбарига айлантириш борасида катта қадамлар ташланди. Албатта, бу ўзгаришлар илк навбатда биз тизим ходимларининг халқимиз олдидаги бурчини тўлақонли адо этишига имконият яратди. Шу боис фаолиятимнинг дастлабки йилиданоқ маҳалламизни энг намуналилар сафида бўлишини ўз олдимга режа қилдим. Бу мақсадимни аҳолига тушунтирдим. Бирлашиб, катта кучга айландик. Ўз ўзидан ишларимиз юриша бошлади. Муваффақият кўп куттирмади.

2017 йил қишлоғимиз туман бўйича «Энг намунали қишлоқ», 2018 йилда «Энг обод қишлоқ» деб эътироф этилган бўлса, шу йили «Обод қишлоқ» дастури асосида янги қиёфа касб этди.

Ободонлаштириш жараёнида шу билан бирга 1 та тикув цехи, 25 ўринли мактабгача таълим муассасаси таъмирланиб, замонавий кўринишга келди. Кичик футбол майдончаси, 2 та замонавий болалар ўйингоҳи ва ёшлар меҳнат гузари барпо этилди.

Бугунги куннинг энг муҳим талаби — худудларда иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ҳисобланади. Бу борада сўнгги уч йилда 24 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишга тушган бўлса, 3 та иссиқхона, 2 та хунармандчилик устахонаси ташкил этилди. Биргина 2021 йилнинг ўзида худуддаги 100 нафарга яқин тадбиркор ва фермерлар билан ҳамкорликда 45 нафар касб-хунар мактаби битирувчиси ва 27 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Маҳаллий ҳокимият идоралари ва фаоллар билан ҳамкорликда аҳоли билан тушунтириш ишларини самарали ташкил этилиши натижасида томорқаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми сўнгги йилларда кескин кўпайишига эришдик. Масалан, 2021 йилда томорқа

майдонларида 250 тоннадан зиёд мева-сабзавот етиштирилди.

Ўз навбатида оилавий муносабатларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бу йўналишда тизимли ишлаб, 2020-2022 йилларда 12 та оилавий ажралишнинг олдини олишга эришдик. Яна бир қувончли ҳолат — 2022 йилда қишлоқда аёллар ва вояга етмаганлар ўртасида бирорта жиноят содир этилмади.

Маҳалламизда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаб, кекса ва нуронийларга эҳтиром кўрсатиш анъанага айланган. Мисол учун, кейинги уч йилда ҳомийлар ҳисобидан боқувчисини йўқотган ва ёрдамга муҳтож 5 та оила хонадонни тўлиқ таъмирдан чиқарилди, 20 та эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 10 та оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Қишлоқ кўчаларининг 2,1 км. ички йўллари ҳомийлар маблағи ҳисобидан таъмирланди. Қишлоқдаги умумий ўрта таълим мактабларида кўл тўпи, футбол, волейбол каби спорт турлари, тикувчилик, зардўзлик ва каштачилик

йўналишлари бўйича тўгараклар фаолиятини йўлга қўйганимиз ёш йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва касб-хунарни бўлишида қўл келяпти.

Президентнинг 22 март — Маҳалла ходимлари куни арафасида «Маҳалла тизими ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонини ўқиб, беихтиёр тўлқинланиб кетдим. Фармонга асосан, мукофотланганлар орасида менинг камтарона хизматларим эътироф этилиб, «Дўстлик» ордени билан тақдирландим.

Бу мен учун жуда катта мукофот, айни вақтда ишонч ва масъулиятдир. Бундай юксак эътибордан руҳланган ҳолда, тобора кўркам ва обод бўлаётган маҳалламиз аҳлининг турмуш фаровонлигини таъминлаш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун астойидил меҳнат қиламан.

**Сайдалим БЎЛТАКОВ,**  
Жиззах вилояти Зафаробод тумани «Лоззор» қишлоқ фуқаролар йигини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Қозон қайнаяптими, демак газдан муаммо йўқ

Шофиркон тумани марказидан 110 километр узокликда, Қизилқум кенгликлари бағридаги Чуруқ овулида қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Улар ўзининг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, қолаверса, чорвачиликда ўзига хос тажрибаси, етиштирган маҳсулотлари билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётда алоҳида ўринга эга.

Овуликлар бугун ўзларининг маиший эҳтиёжлари учун газ баллонидан фойдаланади. Газ таъминоти бўлими ходимлари томонидан газ баллонлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида 60 дан ортиқ хонадон эгаларига 1 минг 400 килограмдан ортиқ суюлтирилган газ тарқатилди.

— Яшаш шароитимиз яхши, — дейди **Ойбарчин ая Эшназарова.** — Эҳтиёжларимиз учун маиший газ баллонларидан фойдаланамиз. Газчилар ўз вақтида газ баллон-

мизни етказиб, тарозиларда ўлчаб беради. Берилган махсус карталар орқали тўловларни амалга оширяптимиз. Муаммолар келиб чиққани йўқ. Овқатларимиз ўз вақтида пишиб, чойларимиз қайнаяпти.

Худуддаги 23-мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари учун иссиқ таомларни тайёрлашда газ баллонидан фойдаланилади. Газ баллонлари вақтида етказилади, ўрнатиб берилади, хавфсизликка риоя этиш мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилади.





# «ДУБАЙДА ДАМ ОЛГУНЧА, КЎЧАНИ ТАЪМИРЛАДИК...»

**22 МАРТ – «МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ»  
МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЮКСАК  
МУКОФОТИГА МУНОСИБ КЎРИЛГАН БИР ГУРУҲ  
МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ ОРАСИДА МАРҲАМАТ ТУМАНИ  
«БОБОХУРОСОН» МАҲАЛЛАСИ РАИСИ ТАВАККАЛ  
ШОМУРОДОВ ҲАМ БОР**

Бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан бош мақсад – инсонни кадрлаш ва унинг манфаатларига хизмат қилишдир. Яъни, инсон манфаатлари мамлакатимизда олий қадрият сифатида эъзозланмоқда, улуғланмоқда. Арзимас меҳнатимизнинг давлатимизнинг юксак эътирофига сазовор бўлгани мана шу фикримиз исботидир. Қолаверса, бу мукофот бутун маҳалла аҳлига берилган юксак баҳодир.

2011 йилдан буён маҳалла тизимида ишлаётган бўлсам-да, ҳўш, қандай ўзига хос тажрибалар, ютуқлар, ташаббусларимиз бор эдики, меҳнатимиз шу даражада қадрланди, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Аввало, маҳалламизда маънавий муҳитни яхшилаш, оилаларда тинчлик-тотувликни таъминлашга эътибор қаратдик. Чунки оилалар тинчлиги маҳалла тинчлигини, маҳалла тинчлиги эса мамлакат осойишталигини таъминлайди. Масалан, 2022 йилда 14 та ажрашиш арафасида турган оилани яраштирдик. Ўз навбатида маҳаллада меҳр-оқибат, одамгарчилик каби асрий анъаналарга риоя қилиб, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан мунтазам хабар олиш йўлга қўйилган. Бунда кўни-кўшни, маҳалладошлар бир-бирига кўмак бериб келади. Айтайлик, жорий йил бошида 4 нафар оғир турмуш шароитида яшовчи оила фарзандларига маҳалладошлар ҳомийлиги асосида хатна тўй ўтказиб бердик. Эҳтиёжманд Файзулло Тўланов хонадонини таъмирладик. Яна 20 нафардан зиёд ёрдамга муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олинди.

Эҳтиёжмандларга кўмаклашилгани яхши, аммо халқимизда «Қўлдан берганга қўш тўймак», деган нақл бежиз айтилмаган. Шу боис хатловда ишсиз сифатида рўйхатга олинган 81 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уларга ижара асосида 10 сотихдан ер ажратдик. Бугун улар яхшигина даромад топмоқда. Энг муҳими, энди улар боқиманда эмас.

Маҳалладаги ислохотлар ҳақида гапирганда, инфратузилма яхшилангани, электр, газ, ичимлик сув, йўл муаммола-

ри босқичма-босқич ҳал бўлаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Жумладан, ҳудудимиздаги Тош йўли кўчасининг 2 км. қисми асфальтланди, Чўёнбоши кўчасининг 5 км., Улюз кўчасининг 700 метри қисми ҳашар йўли билан шағалланди. Айни вақтда Улюз кўчасининг 840 метр йўлида бетон йўлаклар қурилмоқда. Шунингдек, кўчага 60 та темир бетон устунлари ўрнатилди.

Худуд ободлигида аҳолининг ўзи ҳам ташаббускор бўлмоқда. Шу боис ҳар бир хонадон, кўча саронжом-саришта. Баҳор фасли келиши муносабати билан маҳалламизда ободонлаштириш ишлари янада авж олди. «Бобохурсон ота» қабристонининг кириш қисмига дарвоза ўрнатилди, атрофини кўрғонладик. Жами 1 миллиард сўмлик ободонлаштириш ишлари бажарилди. Шунингдек, Тош йўли кўчасига ҳашар йўли билан ичимлик сув тармоғи тортилди.

Маҳалламизда аҳоли саломатлигини асрашга алоҳида эътибор қаратамиз. «Саломатлик учун 5000 қадам» шиори остидаги марафон намунали ташкил этилгани учун вилоят ҳокимининг ташаккурномаси ва Дубайга саёҳат йўлланмасини кўлга киритдик. Аммо дам олиш ўрнига шу маблағ ҳисобидан Улюз кўчасининг 820 метр қисмини асфальтладик.

Мен сўзим бошида бежизга мукофот барча маҳалладошларимга берилган баҳо, демадим. Зеро, бир ўзим ҳеч қандай натижага эриша олмасдим. Ютуқларимиз асосида маҳалламизнинг аҳиллиги, бирдамлиги ётибди.

**Таваккал ШОМУРОДОВ,  
Марҳамат тумани «Бобохурсон»  
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

## Янги бино «Сувонобод»га совға бўлди

Пахтакор туманидаги «Сувонобод» маҳалласининг янги биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Айтиш керакки, бу – ҳудуд аҳолиси учун чинаккам байрам совғаси бўлди.

Тумандаги 15 та маҳалланин 13 таси ўз биносига эга. 4 та маҳалла ижара асосида бошқа объектларда иш олиб борарди. 2022 йилда барча маҳаллага бино қуриш учун ер ажратиб берилди ҳамда давлат-хусусий шерикчилик асосида бинолар қуриш бошланди.

Яқин вақтларда яна 3 та маҳалла

биноси фойдаланишга топширилиши кутиляпти. Маҳалламиз ўз биносига эга бўлиши натижасида барча йўналишлардаги мутахассислар ўз хизмат хонасига эга бўлди.

**Бахтиёр УМРЗОҚОВ,  
Пахтакор тумани «Сувонобод»  
маҳалласи раиси.**



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



## ҲАЛОЛ РИЗҚ РЎЗФОРГА БАРАКА КИРИТАДИ



**ОДАМЛАР ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ ОРТИДАН ДАРОМАД ҚИЛИБ, ОИЛАСИНИ ТЕБРАТЯПТИ. ЎЗ УЙИДАН ЧИҚМАГАН ҲОЛДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ, ҲАЁТ ДЕБ АТАЛМИШ КАТТА БИР КИТОБНИНГ САҲИФАЛАРИНИ ВАРАҚЛАМОҚДА**

Навоий вилояти Кармана туманининг чекка ҳудудида жойлашган «Янги ариқ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳолининг деярли барчаси тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Ўзини ўзи банд қилиш орқали одамлар яшаш тарзини яхшилаб, ёшу қари бирдек ҳалол меҳнат қилиб, оиласи даромадига қўшимча даромад олиб қиряпти, қора қозонини қайнатяпти.

Йиғинда уч ярим минг нафар аҳолининг муаммолари ўрганилиб, ишсиз, моддий кўмакка муҳтож фуқароларнинг ҳаётда ўз йўлини топиб кетишига кўмаклашиляпти. Хатлов натижасига кўра, маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган 68 нафар фуқаро аниқланиб, уларга ўз бизнесларини йўлга қўйиш учун 1 миллиард 982 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

— 7 нафар ишсиз, эҳтиёжманд аёлга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун субсидия асосида турли асбоб-ускуналар олиб берилди, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Камолiddин Курбонов. — 6 нафарига тикувчилик билан шуғулланишлари учун тикув машиналари олишига кўмаклашилди. Ўқиш истагида бўлган 47 нафар йигит-қиз тумандаги мономарказда ўз қизиқишлари бўйича бепул ўқитилиб, ўқишни тамомлаганлари ўз мутахассисликлари бўйича доимий ишга жойлаштирилди. 46 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланиб, турли ҳақ тўланадиган ишларга

жойлаштирилди. Бу орқали улар ҳалол меҳнат қилиб оиласи даромадига ўз хиссасини қўшмоқда.

«Аёллар дафтари»га киритилган Янги ариқ кўчасида яшовчи Марям Раҳматова ўтган йили имтиёзли кредит асосида 100 дона «Бройлер» жўжасини олиб, паррандачилик фаолиятини йўлга қўйди, ҳозирда оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келяпти. Бу билан у оиласига ойига қўшимча 4-5 миллион сўм даромад киритмоқда. Ушбу кўчада истиқомат қилувчи Мафтуна Лочинова ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан субсидия асосида тикув машиналарини олиб, уй шароитида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйган. Ҳозирги кунда буюртма асосида кийим-кечаклар тикиб буюртмачиларга етказиб беради. Бу орқали ойига 2 миллион сўм соф даромад топяпти.

— Йиғинимизда биронта бекор юрган одамни учратмайсиз, — дейди маҳалла раиси Жасур Маҳмудов. — Бошқа маҳаллаларда одамлар пул топиш учун чет давлатларга чиқиб кетиб, оиласини тебратади. Бизда

эса одамлар уйдан чиқмаган ҳолда мўмай даромад топиб, ортганини тўй-ҳашамга ишлатиш учун йиғиб қўйишади. Қисқаси, маҳалла аҳли шу ернинг ўзида ҳам ишли, ҳам касбли бўляпти.

Бундан ташқари, «Ёшлар дафтари»даги ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий ўқув юртлари маъмурияти билан келишилган ҳолда шартнома асосида ўқийдиган талабаларнинг пуллари тўлаб берилляпти. Шунингдек, дафтардаги 2 нафар ёшга 10 йил муддатга 20 сотихдан ер майдони ижарага берилиб, деҳқончилик билан шуғулланишига кўмаклашиляпти. Мисол учун, Янги ариқ кўчасида яшовчи Бекзод Ғайбуллаев ўзи учун ажратилган ердан унумли фойдаланган ҳолда мавсумий картошка, пиёз, сабзи, полиз маҳсулотларини етиштириб, нафақат маҳалла аҳлини, балки бозорлар талабини ҳам қондириб, 10-15 миллион сўм даромад қилляпти. Ушбу кўчада истиқомат қилувчи Мадина Ғаниева субсидия асосида тикув машиналарини олиб, тикув-

чилик фаолиятини йўлга қўйган. Бу орқали тенгқурларига ўз касбининг сир-асрорларини ўргатиб, бандлигини таъминлаган.

— 10 йил муддатга ижара асосида берилган ер тадбиркорлик қилишим учун айни муддао бўлди, — дейди Бекзод Ғайбуллаев. — Аввалдан тадбиркорлик қилиш ниятим бор эди. Энди мавсумий полиз маҳсулотларини етиштириш орқали маҳалла аҳлини ва қўшни бозорлар тўқинлигини таъминлаяман. Даромадим меҳнатимга яраша бўляпти. Тадбиркорлигимни кенгайтириш учун рўзғордан орттириб, йиғиняпман. Келажакда ўзимни бошқа соҳаларда ҳам синаб кўрмоқчиман. Тадбиркорлигимни кенгайтирмоқчиман.

Бир сўз билан айтганда, йиғин аҳли ўз уйларида чикмаган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳаёт деб аталмиш катта бир китобнинг саҳифаларини варақлаяпти. Бу эса келажакда қоқилмасдан ўз йўлларини топиб кетишларига замин яратмоқда.

М. НУРАЛИЕВ.

## Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори ошади

«Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, 2023 йил 1 апрелдан пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга оширилади.

2023 йил 1 апрелдан Ўзбекистон ҳудудида:

➤ пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — **ойига 347 000 сўм;**

➤ ёшга доир энг кам пенсия миқдори — **ойига 677 000 сўм;**

➤ ногиронлик пенсиялари, жумладан иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — **ойига 747 000 сўм;**

➤ меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — **ойига 747 000 сўм;**  
➤ 1941–1945 йиллардаги уруш

оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — **ойига 3 296 000 сўм;**

➤ белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (677 000 сўмдан) 747 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори — **ойига 747 000 сўм;**

➤ зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — **ойига 535 000 сўм;**

➤ иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — **ойига 535 000 сўм;**

➤ ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори — **ойига 535 000 сўм;**

➤ боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — **ойига 535 000 сўм** этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — **198 000**

сўмдан қўшилади;

➤ боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — **ойига 535 000 сўм** этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади.

Шунингдек, 2023 йил 1 майдан бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 7 фоизга оширилади. Унга кўра, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — **ойига 980 000 сўм**, базавий ҳисоблаш миқдори — **ойига 330 000 сўм** этиб белгиланади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

# БУГУН — 1 АПРЕЛДАН ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР БЕЛГИЛАНДИ?

**АНЪАНАГА МУВОФИҚ, 2023 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА РЎЙ БЕРГАН АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ**

## НОГИРОНЛИК ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИСИЗ БЕЛГИЛАНДИ

Президент фармони билан тасдиқланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури»га кўра, ногиронлик идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви асосида ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратларда фуқароларнинг иштирокисиз белгиланади.



## АҲОЛИ БАНДЛИГИ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТ ЎТКАЗИЛАДИ



«Қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш мақсадида 2023 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 майга қадар эксперимент ўтказилади.

Унга кўра, республика бюджетидан пахта ва (ёки)

ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиқларига ишчиларининг ойлик-маошдан тўланган даромад солиғини бир вақтнинг ўзидан қайтариб бериш кўзда тутилмоқда. Бунда ҳар бир гектар ер учун ойига камида бир нафар ишчи банд бўлиши, ойлик маош эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаслиги керак.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ КУЧАЙТИРИЛАДИ

«Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, 2023 йил 1 апрелдан:

➤ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи (ходим) оила аъзоларига бир йўла бериладиган нафақа

марҳумнинг охири эгаллаган лавозими бўйича маоши ва ҳарбий (махсус) унвони маоши йиғиндисининг 150 баравари миқдоридан белгиланади;

➤ ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) давлат мажбурий шахсий суғуртаси доирасида ҳарбий хизматчи (ходим) ҳалок бўлганда тўланган суғурта суммаси БҲМнинг 200 баравари миқдоридан белгиланади.



## ПЕНСИОНЕРЛАР МЕТРОДА БЕПУЛ ЮРАДИ



«Тошкент метрополитенидан фойдаланишда пенсия олувчиларга қў-

шимча қулайликлар яратиш тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, 2023 йил 1 апрелдан Тошкент метрополитенининг тўлиқ фаолият кўрсатиши вақти давомида пенсия олувчиларга бепул хизмат кўрсатилади. Илгари пенсионерлар ўзларининг пенсия гувоҳномасига асосан, кундузи соат 10:00 дан 16:00 гача Тошкент метрополитенида бепул ҳаракатланиши мумкин эди.

## НУРОНИЙЛАР ЁШЛАРГА БИРИКТИРИЛАДИ

«Кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори мувофиқ, 2023 йил 1 апрелдан «Нуроний» жамғармасига давлат субсидиясини ажратиш тизими жорий этилади.

«Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойилига асосан, ёшлар ҳар бир маҳалладаги

фаол нуронийларга бириктирилади. «Нуроний ҳар бир оилага масъул» лойиҳаси асосида муаммоли оилаларнинг ҳар бирига «Кексалар маслаҳати» гуруҳларининг бир нафардан аъзолари бириктирилади. Бунда ижобий натижаларга эришган нуронийларни «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб бориш тизими жорий этилади.

## ЭНДИ «ДОМ»НИ БОҒЧАГА АЙЛАНТИРИШ МУМКИН

2023 йилги Давлат дастурига кўра, 1 апрелдан бошлаб, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида янги давлат боғчаларини кўп квартиралар уйларида нотурар қаватларида ёки бошқа уйларида сотиб олиб ташкил этишга

руҳсат этилади. Давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилган ерда хусусий боғчани қурган хусусий шерикка ушбу бинони мазкур лойиҳа учун банк кредитлари бўйича гаровга қўйишга оид чекловлар бекор қилинади.



## «ҚУЁШЛИ ХОНАДОН» ДАСТУРИ ИШГА ТУШАДИ



«2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жаддаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори кўра, аҳоли хонадонларига кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВт.гача) қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича «Қуёшли хонадон» дастури амалга оширилади.

Дастур доирасида тегишли объектларда ўрнатилган қуёш панел-

ларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолдан орттириб, ягона электр энергетика тизимида узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига 1 000 сўмдан субсидия ажратилади. Қолаверса, умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қуёш панелларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар 3 йил муддатга (айрим тоифадагилар 10 йил муддатга) ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк, ер ва фойда солиғини тўлашдан озод этилади.

## ШУНИНГДЕК, 2023 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН БОШЛАБ:

☑ Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда вилоятлар ва туманларнинг марказларида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлиги соатига 70 километрдан 60 километргача туширилади;

☑ педагогик фаолият бўйича 25 йил ва ундан кўп иш стажига эга, шунингдек, ёшга доир пенсияга чиқиши учун 5 йилдан кўп бўлмаган муддат қолган педагог ходимлар мажбурий аттестацияга жалб этилмайди;

☑ паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, субсидиялар ажратиш ва бошқа имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи фақатгина [my.vet.gov.uz](http://my.vet.gov.uz) сайтида рўйхатдан ўтган ҳамда тегишли мезонларга мос келувчи паррандачилик хўжалиқларига берилади;

☑ бир йилда бир маротаба ўрта тадбиркорлик субъектларига мол-мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизгача, бироқ БҲМнинг 20 бараваридан ошмаган қисми қоплаб берилади. Даромади 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган тадбиркорлар учун давлат харидларида 20 фоизлик квота жорий этилади.

С.ИБРОҲИМОВ тайёрлади.



Нодир  
ТИЛАВОЛДИЕВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатаси  
депутати.

## «МАЖБУРИЙ МЕҲНАТДАН ФОЙДА ЭМАС, ЗАРАР КЎРДИК...»

**ПЕДАГОГ, ШИФОКОР, ТАЛАБА-ЎҚУВЧИЛАРНИ ПАХТА ТЕРИШ ЁКИ БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА, НАВБАТЧИЛИККА МАЖБУРИЙ ЖАЛБ ЭТИШ ОРҚАЛИ БИЗ НИМАГА ЭРИШДИК? ҲЕЧ НАРСАГА. ФАҚАТ ЙЎҚОТДИК, ХОЛОС...**

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан берилган расмий маълумотларга кўра, 2021 йилда дунё бўйлаб 28 миллионга яқин одам мажбурий меҳнатнинг қурбонига айланган. Шундан 17,3 миллион нафари хусусий иқтисодий секторда мажбурий меҳнатга жалб қилинган. 11 миллион аёллар бўлса, қарийб 4 миллионини болалар ташкил этади.

Гарчи Халқаро меҳнат ташкилотининг «Мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 29-сонли Конвенцияси 1930 йилда, Конвенциянинг қўшимча баённомаси 2014 йилда тасдиқланган бўлса-да, мажбурий меҳнатни йўқотиш ҳамон халқаро ҳамжамият олдида турган энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда ҳам яқин йилларгача ўқитувчи ва педагоглар, ўқувчи ва талабаларнинг мажбурий меҳнатга, айниқса, пахта теримига жалб этилиши оддий ҳол эди. Айнан шунинг учун узоқ йиллар давомида ўзбекнинг оппоқ пахтаси жаҳон ҳамжамияти олдида Ўзбекистон учун қора доғ бўлиб келди. Вазият шу даражага етиб боргандики, мамлакатдаги ва хориждаги инсон ҳуқуқлари фаоллари Ўзбекистонда пахта етиштиришда мажбурий меҳнат, айниқса, болалар меҳнатидан фойдаланилгани сабабли ўзбек пахтасига бойкот эълон қилиш бўйича петицияга имзо чекишганди.

Ушбу петиция БМТнинг инсон ҳуқуқлари кенгаши, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, шунингдек, АҚШ давлат департаменти, Европа

Иттифоқи, йирик пахта экспорти ҳамда тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган компанияларга тақдим этилди. Бунинг натижасида 2010 йилдан бошлаб «Cotton Campaign» халқаро коалицияси ўзбек пахтасига бойкот эълон қилиб, уни сотиб олишдан воз кечди.

Ҳақли савол туғилади: педагог, тиббий ходимлар, талаба ва ўқувчиларни пахта териш ёки бошқа қишлоқ хўжалиги, ободонлаштириш ишларига, навбатчиликка мажбурий жалб этиш орқали биз нимага эришдик? Ҳеч нарсага. Фақат йўқотдик, холос. Ўқувчи ва талабаларни саводсиз, жамият тараққиётига масъул бўлган ўқитувчиларни, аҳоли саломатлигига ҳамда миллат генофондига масъул соғлиқни сақлаш ходимларини барчага ҳашарчи қилдик.

Бу нафақат ижтимоий-иқтисодий аҳволимизга, балки миллатнинг ривожланишидаги узоқ муддатли йўқотишларига сабаб бўлди.

Шу сабабли, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш, шу билан бирга, мажбурий меҳнатни батамом тугатиш давлат сиёсатининг устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Узоқ йиллик

машаққатли меҳнат, мақсад сари собитқадамлик билан олға бориш, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг саъй-ҳаракати, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотлар ўтказилиши ўз самарасини берди: 2022 йил 10 март куни «Cotton Campaign» халқаро ташкилоти Ўзбекистонга нисбатан жорий этилган 12 йиллик санкцияларни бекор қилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган муҳим ўзгаришлардан бири, бу – айнан мажбурий меҳнат, хусусан, болалар мажбурий меҳнатига тўлиқ барҳам берилиши билан боғлиқ бўлмоқда.

Яъни Бош қомусимизнинг 44-моддасига кўра, суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади. Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади.

Албатта, мажбурий меҳнатга

Конституция даражасида чек қўйилиши ҳар бир ўзбекистонликнинг кундалик ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа ривожланади, одамларнинг ҳаёт сифати яхшиланади. Айниқса, болаларнинг баркамол ривожланишига салбий таъсир қиладиган мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши асосий қонунда тўғридан-тўғри ёзиб қўйилиши кўрсатилган сиёсий қатъиятдан ортга қайтилмасликни ифодалайди.

Айни пайтда, ушбу конституциявий норма болаларнинг соғлиғи, хавфсизлиги, тўлиқ жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишига таҳдид солмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган тарзда меҳнат қилишларига тўсқинлик қилмайди. Мактабдан кейин ёки таътил даврида боланинг уй, оилавий ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларида ота-онасига ёрдам бериши имконияти сақлаб қолинади.

Янгилаётган Конституциянинг ҳар бир янги нормаси барча аҳоли қатламларининг манфаатлари инобатга олинган, мамлакат тараққиётига кўп йиллар хизмат қиладиган мукамал ҳуқуқий асос бўлади, деб айта оламиз.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

## Фуқаро ўзга юртга шунчаки берилмайди

Фараз қилайлик: қайсидир юртдошимиз чет элда қандайдир жиноятга аралашди. У Ўзбекистонда қўлга олинди. Жиноят содир этилган давлат уни ўзларига беришни сўраган тақдирда ҳам давлат ўз фуқаросини ҳимоясига олади ва уни экстрадиция қилишга йўл қўймайди. Шу билан бирга, халқаро шартномаларга асосан, давлатлар ўз фуқароларини ушлаб беришни рад этиши жиноятчини жазосиз қолишини аниқлатмайди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга Ўзбекистон Республикаси фуқаросини мамлакатимиздан ташқарига чиқариб юбормаслик ва бошқа давлатга бермаслик белгилаб қўйилмоқда. Конституцияга мазкур норманинг киритилиши фуқароларимизни экстрадиция қилмаслик ва ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Яна бир муҳим масала. Давлат ўз фуқароларини, жумладан, чет элда ишлаб

истиқомат қиладиганларни ўз ҳолига ташлаб қўймайди, улар билан алоқаларни ривожлантиради ва доимий ҳимоялайди. Шунингдек, хориждаги ватандошларга барҳам берилмапти. Яъни узоқ йиллар хориждаги ўзбекларга бегонадек қаралган, улар билан муносабатлар «совуқлашган». Эндиликда давлат хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар билан алоқаларни мус-

таҳкамлаш ва ривожлантиришга масъул бўлади, жамият ривожига уларнинг иштирокини таъминлашга тўсқинлик қилмайди. Мазкур қоида ҳам Конституциявий даражада белгиланмоқда.

Ушбу ўзгаришлар Ўзбекистон фуқароларини нафақат мамлакатимизда, балки ҳар қандай хорижий давлатда ҳимоя қилиш, улар ҳақида қайғуришни янги босқичга олиб чиқади. Шунингдек, хорижда

яшаётган ўзбеклар ҳамжамияти билан муносабатларни ўрнатиш орқали уларнинг кучини бирлаштириб, Ватанини ривожлантиришга йўналтириш имконини беради.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 23-моддаси фуқароларимизга тааллуқли шу каби муҳим вазифалар билан мустаҳкамланаётгани давлатнинг эндиликда бу масалага парда ортидан қараб турмаслигига хизмат қилади.

# ДАСТУР ДОИРАСИДА ОДАМЛАР ДАРОМАДИ ОРТЯПТИ



**МАҲАЛЛАДА ЎТКАЗИЛГАН ХАТЛОВ ЖАРАЁНЛАРИДА МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ, ИШСИЗ  
ФУҚАРОЛАРНИНГ 6 НАФАРИ ЖАМОАТ ИШЛАРИГА, 45 НАФАРИ ТУРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
КОРХОНАЛАРИГА МАВСУМИЙ ВА 34 НАФАРИ ДОИМИЙ ИШЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ**

Президентнинг «2022-2026 йилларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, маҳалламиз тобора обод ва кўркем бўляпти, ўзгача қиёфа касб этипти.

Томди туманининг энг чекка ҳудудида жойлашганмиз. Йиғиндаги 392 та хонадонда жами 1 947 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шу вақтгача ҳудуд аҳлини қатор ижтимоий муаммолар қамраб олганди. Электр токи бўлса, сув бўлмасди, сув бўлса, электр токи узиларди. Иккаласи ҳам бўлса, йўлларнинг таъмирталаблиги одамларнинг тинка-мадорини қуритганди. Утган йили маҳалламизда амалга оширилган «Обод қишлоқ» дастури доирасида бу борадаги масалалар тўлиқ барҳам топди.

Маҳалламизнинг ўйдим-чуқур йўллари таъмирланиб, 15,7 километр қисми шағаллаштирилди, 4,7 километрга асфальт ётқизилди. 13 километр сувоқликдан тоза ичимлик сув тармоғи тортиб келинди. Маҳалламиз учун янги сув омбори қурилиб, кўшимча қудуқлар қазилиб, сўнгги русумдаги сув насослари ўрнатилди. Одамларнинг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Шунингдек, йиғиндаги 85 та эскирган симёғочлар ўрнига янги темир-бетон таянч устунлари қўйилди, электр кабеллари тортилди. Ҳудуддаги кучлиниши паст бўлган 4 та трансформатор янги — аҳолини етарли электр энергияси билан таъминлай оладиган трансформаторларга алмаштирилди. Умуман олганда, дастур асосида одамлар-

нинг бир неча йиллик орзулари амалга ошди, уйлари ёруғ, йўллари раво бўлди.

Айтиш керакки, маҳалламизда ўзини ўзи банд қилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганларга имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашиляпти, субсидиялар берилиб, бандлиги таъминланяпти. Йиғинда оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганларга имтиёзли кредит маблағлари ажратиб берилган. Бу билан улар ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, оиласи даромадига кўшимча даромад киритмоқда. Жумладан, аҳолининг 74 нафари 1 858 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари эвазига чорвачилик фаолиятини йўлга қўйган.

Истиқлол кўчасида яшовчи кам таъминланган Серик Бектенов имтиёзли кредит асосида зотдор қўй турларини олиб, чорвачилик билан шуғулланиб келмоқда. У қўйларни боқиб, семиртириб бозорда сотиш орқали ойига 4-5 миллион сўм даромад қиляпти. Даромадидан орттириб, маҳалла марказидан бўш турган бинода сартарошхона ташкил этган. Шунингдек, ушбу кўчада истиқомат қилувчи Айгул Бектенова субсидия асосида 500 талик инкубатор апаратини олиб, жўжа очирish фаолиятини йўлга қўйган. Бу билан жўжаларни

маълум бир вақтгача боқиб, донасини 30 минг сўмдан сотиб, оиласига ойига кўшимча 15 миллион сўм даромад киритяпти. Паррандачилик ҳадисини олган тадбиркоримиз ўз бизнесини кенгайтириб, маҳалладаги бўш турган бинода фаолиятини кенгайтириш орқали йиғиндаги кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож оилаларни иш билан таъминлашни режа қилиб турибди. Албатта, биз ҳам қўл-қовуштириб ўтирмаймиз — тадбиркоримизга ўз бизнесини кенгайтиришида амалий ёрдам берамиз. Маҳаллада шундай тадбиркорларнинг кўпайгани нафақат ўзига, балки йиғин аҳлига ҳам фойдаси катта. Чунки оиласи даромади кўпаяди, ишсиз юрганларнинг бандлиги таъминланади.

Бундан ташқари, маҳаллада ўтказилган хатлов жараёнларида меҳнатга лаёқатли, ишсиз фуқароларнинг 6 нафари жамоат ишларига, 45 нафари турли ишлаб чиқариш корхоналарига мавсумий ва 34 нафари доимий ишларга жойлаштирилди. Ўқиш истагида бўлган 22 нафар йигит-қизлар тумандаги бандликка кўмаклашиш марказида турли касб-хунарларга ўқитилиб, бандлиги таъминланди.

Ижтимоий дафтарларга киритилган фуқаролар бандлигини таъминлаш борасида қатор ташаббусларни илгари сурганмиз. Жумладан,

«Аёллар дафтари»га киритилган 10 нафар хотин-қизга ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 42 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар олиб берилди. Истиқлол кўчасида яшовчи Индира Пишанова 8 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига 100 дона товуқ олиб, паррандачилик фаолиятини йўлга қўйган. Бу билан 100 та товуқдан кунига 80-85 дона тухум олиб, маҳалла аҳлини ва кўшни қишлоқларни тухум билан таъминламоқда. Ушбу кўчада истиқомат қилувчи «Ёшлар дафтари»га киритилган Эрлан Курманов 6 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига пайвандлаш апарати олиб, бугунги кунда ҳовли ва кўчаларга ўрнатиладиган темир панжаралар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Умуман олганда, маҳалламиз бугун тубдан ўзгарди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилган ишлар туфайли кўчаларимиз ўзгача қиёфа касб этипти. Ишсиз, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганларга яратилаётган имкониятлар одамларнинг яхши ҳаёт кечирishiга замин яратмоқда.

**Акназар ЖАПБАРОВ,**  
Навоий вилояти Томди туманидаги  
«Аяққудуқ» маҳалла фуқаролар  
йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Тасмачи»га тоза ичимлик сув етиб келди

Президентнинг «2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Хатирчи туманининг чекка ҳудудидаги қир-адирлар орасида жойлашган «Тасмачи» маҳалла фуқаролар йиғинига тоза ичимлик сув келтирилди.


Маҳалла фуқаролар йиғинида 4 631 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йиғин аҳлини бир неча йиллардан буён тоза ичимлик сув муаммоси қийнаб келарди.

— Маҳалламизда 787 та хонадонда 1 125 та оила истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси **Шаҳобиддин Назаров**. — Шу кунга қадар маҳалламиз аҳли, асосан, қўлбола усулда ўрнатилган «качалка» орқали сув ичиб келарди. Эндиликда маҳалламиз тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланди. Хонадонларимиз дарвозаси олди-

ча қувур тортиб келинди. Сув босими яхши. Аҳолимиз тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўляпти.

Шунингдек, қарор доирасида тумanning умуман тоза обиҳаёт етиб бормоган 7 та маҳалласини босқичма-босқич ичимлик сув билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунгача тумандаги маҳаллаларга 22,3 километр ичимлик сув тармоқлари тортилди. 1 та сув иншооти янгидан қурилди ва мавжуд 1 та сув иншооти тўлиқ реконструкция қилинди.





## «ИШСИЗЛИК ТЕЗ ОРАДА ТЎЛИҚ ТУГАТИЛАДИ»



**МАҲАЛЛАДА КАСАНАЧИЛИК ОРҚАЛИ АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШЯПМИЗ. МИСОЛ УЧУН, 95 НАФАР ХОТИН-ҚИЗГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА 185 ТА ТИКУВ МАШИНАСИ ОЛИБ БЕРДИК. ҲОЗИР УЛАРНИНГ БАРЧАСИ МУСТАҚИЛ ИШ БОШЛАГАН ВА ШУНИНГ ОРТИДА ДАРОМАД КЎРМОҚДА**

Президент ташаббуси билан мамлакатимизда иқтисодий бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг янги йўналиши — ҳар бир маҳаллага ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилиши натижасида аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмаклашиш, даромад келтирувчи меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмлари янада такомиллаштирилди. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар пировардида камбағалликни қисқартиришга ёрдам бермоқда.

Фарғона вилояти Бувайда туманида жойлашган «Жов» маҳалла фуқаролар йиғинида Бандликни таъминлаш йўналишида ишсиз фуқароларга 8,75 гектар ер берилиб, жами 58 нафарининг бандлиги таъминланди. Бугун мана шу оилалар йилига 28 миллион сўм даромад топмоқда.

Ишсизликни бартараф этишда маҳаллада кооперация ташкил этилгани яхши натижа берди. Мисол учун, «Yangi o'g'on new grand» масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузган ҳолда ҳамкорликда ишлаяпмиз. Улар бизга уруф етказиб беради. Пишган ҳосилни яна ўзлари бозор нархида сотиб олишади. Маҳалламизнинг «ўсиш нуқтаси» сифатида бир қанча йўналишларни кўрсатиш мумкин. Айтайлик, авваллари мева-сабзавотчилик ҳамда чорвачилик «драйвер»имиз

бўлган эди. Бугун тикувчилик йўналиши асосий ўсиш нуқтамизга айланган.

Маҳаллада касаначилик орқали аёллар бандлигини таъминлашга эришяпмиз. Мисол учун, 95 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит асосида 185 та тикув машинаси олиб бердик. Ҳозир уларнинг бари мустақил иш бошлаган ва шунинг ортида даромад кўрмоқда. Қолаверса, «Рухона сумкачалари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Муқаддам Умматалиевага имтиёзли кредит ажратилиши натижасида тадбиркорнинг имконияти янада кенгайди. Бугун у қўшимча 25 та янги иш ўрни яратди.

Ўтган йил таҳлилларига кўра, 2022 йилда жами 320 нафар фуқоронинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 88 нафарига ер берилган бўлса, 95 нафари имтиёзли кредит ҳисобига даромадга

кирди. 12 нафар рўйхатдаги маҳалладошимизга субсидия олишда кўмаклашдик. 125 нафар фуқорони хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ва жамоат ишларига жалб қилдик.

Бандликни таъминлашда ижара асосида фойдаланиш учун ер ажратилгани катта самара бермоқда.

Жумладан, Президент қарори асосан, фермерлар ва кластерларнинг паст ҳосилли пахта ва ғалладан қисқартирилган майдони захирага қайтарилиб, полиз-сабзавотчилик, дуккакли, мойли экинлар ва картошка етиштириш учун «Темирдафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга аукцион орқали ижарага берилди.

Бу имкониятдан маҳалламиз фуқаролари унумли фойдаланмоқда. Масалан, Мансуржон Деҳқонов 2022 йили аукционда

қатнашиб, 45 сотих ер эгасига айланди. Бу орқали турмуш ўртоғи, ўғиллари ва келинлари иш билан банд бўлди. Меҳнатқаш ва тадбиркор бу оила жорий йил экин турини алмашлаб экишди. Яъни 30 сотих ерга кулпнай, 15 сотихига картошка ва помидор экилар. Даромад салмоғи шунга яраша ортиб борапти.

Эътибор берсангиз, камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни бартараф этиш учун барча имкониятлар яратилган. Фақат ундан тўғри фойдаланиш талаб этилмоқда. Мана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда, айтишим мумкинки, маҳалламизда ишсизлик тез орада тўлиқ тугатилади.

**Исломжон БОЗОРБОВЕВ,**  
Фарғона вилояти Бувайда тумани «Жов» маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Ички йўллар таъмирланяпти

Гулистон тумани «Дўстлик» маҳалласининг Навбахор кўчасидаги 530 метр, Сирдарё кўчасининг 1 км. ички йўллари таъмирланиб, асфальт-бетон қоришмаси билан қопланди.

Эндиликда яна 5 та кўчамизда таъмирлаш ишлари қизғин кетяпти. Истеъдод ва Сайхун кўчаси текисланиб, асфальтлашга тайёрлаб қўйилди. Таъмирлаш ишларига 14 нафардан зиёд ишчи кучи ва 7 та махсус техника жалб қилинди. Бу ишлардан, айниқса, аҳоли жуда мамнун.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Президентнинг "2022-2023

йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижроси доирасида маҳалламиздаги барча ички кўчалар асфальтланиши белгиланган.

**Тоҳир МИРЗАЕВ,**  
Гулистон тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.





# «УЧТЕПА»ДА ИШОНЧ ВА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ ОРТГАН

**ЎТГАН ЙИЛДА 215 НАФАР МАҲАЛЛАДОШ ДОИМИЙ ИШГА ЖОЙЛАНДИ. ШУНИНГДЕК, 238 НАФАРИ ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН БЎЛСА, 12 НАФАРИ ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ЭТИЛДИ. 10 НАФАР ЭХТИЁЖМАНД ЁШЛАРГА ТЎЛОВ КОНТРАКТ МАБЛАҒЛАРИ ҚОПЛАБ БЕРИЛДИ**

Наманган вилояти Норин туманидаги «Учтепа» маҳалласи вилоятдаги энг намунали фуқаролар йиғини ҳисобланади. Боиси маҳалла муаммоларини ҳал этишда сектор раҳбарларидан тортиб, оддий аҳоли бирдек иштирок этади. Балки шунгами, бугун «Учтепа» маҳалласи вилоятдаги энг намунали фуқаролар йиғини, дея эътироф этилмоқда.

Эришилган натижалар, келгуси режалар билан танишган сари маҳаллага юқорида берилган таъриф тўғрилигига амин бўласиз. Ютуқларнинг бош омили — барча бир мушт бўлиб, бирлаша олаётганидир. Масалан, Президент ташаббуси билан ташкил этилган «бешлик», аҳоли, секторлар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Кўчаларни асфальтлаш дейсизми, қабристонларни ободонлаштириш, томорқадан самарали фойдаланиш, ажралишларнинг олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, хуллас, ҳар бир йўналишда маҳалладошлар раисга камарбаста.

— Бу лавозимдаги иш фаолиятимга 3 йил тўлди, — дейди маҳалла раиси Дилшод Шералиев. — Барча муаммоларга ечим топилган ҳамжиҳатлик муҳим. Шу боис, аввало, халқимиз бирлашишга, ҳамжиҳатликка ўрганди. Ҳар қандай масалани ҳал этишда ўзининг иштироки муҳимлигига

ишонди, дахлдорлик ҳисси ортди. Бирор маҳалладошим ҳудудга доир масалаларни ечишда бепарқ эмас. Бунинг натижасида кўп ютуқларга эришяпмиз. Масалан, 2022 йилда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни «бешлик» ходимлари ва маҳалладошлар ҳамжиҳатликда ҳал этишга эришдик. Айтилик, «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига киритган таклифимиз ғолиб бўлишида ҳам шу жиҳат муҳим аҳамият касб этди. Натижада 3,5 млрд. сўм эвазига 7 км. кўчаларимиз асфальтланди.

Етакчи тadbиркор кўмагида давлат-хусусий шерикчилик асосида маҳалламизга янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Бугун нафақат мен, балки барча ходимлар алоҳида хоналарда иш олиб бориш имконига эга бўлдик. Шунингдек, Биллур кўчасини аҳоли томорқа ерларига олиб борувчи 350 метр қисми ҳашар йўли билан шағалланди. Ҳарбийлар, Биллур, Обод, Нажмиддин Кубро, Нафосат

кўчаларига 180 дона тунги ёри-тиш чироқлари ўрнатилди.

Маҳалла ҳаёти билан танишар эканмиз, эҳтиёжманд аҳоли қатламига алоҳида эътибор берилётгани эътиборимизни тортиди. Уларнинг ҳолидан хабар олиб, керакли ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар»да турувчи ишсиз 160 та оилага узоқ муддат фойдаланиш учун ерлар, 21 нафар фуқарога субсидия ажратилди.

Шундан «Аёллар дафтари»да рўйхатга олинган аёлларнинг 3 нафари иссиқхона, 1 нафари тadbиркорликни ривожлантириш учун асбоб-ускуна, 6 нафари тикув машинаси олди. «Ёшлар дафтари»дан 1 нафарига мотокультиватор, 2 нафарига тикув машинаси, 4 нафарига енгил конструкцияли иссиқхона қуриб берилди. «Хар бир оила — тadbиркор» дастури доирасида 31 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажра-

тилди. Ҳудудда 2 та тикувчилик цехи ташкил этилиши натижасида 55 нафар янги иш ўрни яратилди. 39 нафар ишсиз хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиб, шу тикувчилик цехига ишга жойланди.

Умуман, ўтган йилда 215 нафар маҳалладош доимий ишга жойланди. Шунингдек, 238 нафари ўзини ўзи банд қилган бўлса, 12 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. «Талабаларга мадад» лойиҳаси доирасида 10 нафар эҳтиёжманд ёшларга тўлов контракт маблағлари қоплаб, 8 нафарига субсидия ажратилди. 26 нафарига аукцион орқали ер олишда кўмаклашилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай муаммо маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда. Буэса берилган имкониятдан оқилона фойдаланиб, катта ютуқларга эришиш мумкинлигига ҳаётий мисолдир.

Ҳайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Суғориш тизимидаги муаммо бартараф этиляпти

Айни кунларда Фарғона шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари чинакам бунёдкорлик ва ўзгаришлар майдонида айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарорига асосан «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги кўчаларга сув тармоқлари тортилмоқда.

Қарор доирасида маҳалламизнинг Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган 15 та кўп қаватли

уйлар атрофидаги экин ер майдонларига 1500 метр масофада ҳозирда қазилган ва тармоқ тортиш бошланди. Режадаги ишлар якунига етгач, 15 та кўп қаватли уйлар атрофидаги суғориш тизими муаммолари бартараф этилади. Бунинг учун қарор асосида 200 млн. сўм маблағ ажратилган.

«Ўзбекистон» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Шохрухмирзо Йўлдошев.



## ҲАР ИККИ ОИЛАНING БИТТАСИ ЧЕВАР

**ОДАМЛАР ТИКУВЧИЛИК ОРТИДАН ТҮЙЛАР, УЙЛАР ҚИЛИШЯПТИ. ҚИСҚАСИ,  
МАҲАЛЛАДАН ЧИҚМАГАН ҲОЛДА МҮМАЙГИНА ДАРОМАД ҚИЛИШ БИЛАН БИРГА,  
ИШСИЗ ЮРГАНЛАРНИ ҲАМ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАЁТИР**

Бугун «Аёллар дафтари»даги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар ўзини ўзи банд қилишлари учун махсус ўқув курсларида ўқитилиб, соҳаси бўйича бандлиги таъминланяпти, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлганларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилляпти. Жумладан, «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Айтиш керакки, маҳалламизда 453 хонадонда жами 2 500 нафар аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг 1 300 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Ишсиз, моддий кўмакка муҳтож, кам таъминланган 43 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилиб, 13 нафари доимий ва ҳақ тўланадиган ишларга жойлаштирилди. 11 нафарига субсидия асосида тикув машиналари олиб берилиб, бандлиги таъминланди. Бу билан улар оиласи даромадига қўшимча даромад киритиб, рўзгорининг камини бутляпти.

«Аёллар дафтари»нинг 1-босқичига киритилган Махбуба Ботировага субсидия асосида бир дона тўғри чокли тикув машинаси олиб берилди. Бугунги кунда у ўз уйида тикувчилик фаолияти билан шуғулланмоқда. Ўз касбининг сир-асрорларини маҳалладаги тикиш-бичиш билан шуғулланмоқчи бўлган хотин-қизларга ўргатиб келмоқда.

Йиғинда истиқомат қилувчи Шахло Турғунбоева субсидия асосида тикув машинаси олиб, ўз уйида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйган. Бу билан нафақат оиласи даромадига қўшимча маблағ киритяпти, балки маҳалладаги хотин-қизларнинг оғирини енгил қилляпти.

Даставвал субсидия асосида 4 дона тикув машиналарини олиб,

оилавий чеварчиликни йўлга қўйган Гулҳаё Тўраева жорий йилда маҳалла ҳудудида бўш турган бинода 10 та иш ўрни яратиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, қўлида хунари бўлса-да, ишсиз юрган хотин-қизларни доимий иш билан таъминлади. Ҳалол меҳнати орқали даромад топяпти.

Ёшлик кўчасида истиқомат қилувчи «Аёллар дафтари»нинг 1-тоифасига киритилган Дилфуза Аҳмедова субсидия асосида тикув машиналарини олиб, оилавий тикувчилик билан шуғулланмоқда. Бу тадбиркоримиз келажакда ўз бизнесини кенгайтириб, ишсиз юрган маҳалладошларини ишли қилишни ва йиғин ҳудудидан тикувчилик цехини очишни режа қилиб турибди. Албатта, бу тадбиркоримизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, режаларини амалга оширишида қўлимиздан келгунча ёрдам берамиз.

Дарҳақиқат, ногиронлиги бўлган, ўзгалар кўмагига, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларимиз эътибордан четда қолаётгани йўқ. Улар ҳолидан доимий хабар олиниб, 9 нафарига БХМнинг 4 баравари миқдорда моддий ёрдам берилди. Бир нафарига соғлиғида муаммоси бўлгани боис 33 миллион сўм маблағ ажратилиб, жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Бундан ташқари, «Ёшлар даф-

тари»га киритилган хотин-қизларимизнинг бир қанча муаммоларига ижобий ечим топилди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганларига имтиёзли кредитлар эвазига тикув машиналари олиб берилди. Уқиш истагида бўлган хотин-қизларимиз туман бандликка кўмаклашиш марказида чеварчиликка ўқитилиб, мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириляпти. Дафтарга жами 23 нафар йигит-қиз киритилган бўлиб, 6 нафар йигитимизга сафарбарлик чақирув резерв пуллари тўлаб берилди. 7 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, 2 нафарининг контракт пуллари тўланди. Яна 2 нафар қизга субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди ва бугун оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, оиласи даромадига қўшимча даромад киритмоқда.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллада камбағалликни қисқартириш мақсадида 40 нафар фуқарога 33 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари олиб берилди. Мисол учун, Дилроз Нуриллаева шу маблағ эвазига чорвачилик ва қўйчилик фаолиятини бошлади. Бу билан оилавий даромади ошишига ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, маҳалладан чиқ-

маган ҳолда даромад топишига кўмаклашилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламиздаги ҳар икки оиланинг бири чевар. Одамлар ўзларининг ҳалол пешона тери орқали оиласи даромадини оширяпти. Тикувчилик ортидан тўйлар, уйлар қилишяпти. Қисқаси, одамлар маҳалладан чиқмаган ҳолда мўмайгина даромад қилиш билан бирга, ишсиз юрган маҳалладошларини ҳам иш билан таъминляпти.

**Дилноза БОЙМИРЗАЕВА,  
Чиноз туманидаги «Ёшлик»  
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.**

ЭЪЛО

Умарова Дурдона Обиджон қизига 2022 йилда «Ўзбектелефильм» давлат унитар корхонаси томонидан берилган №400 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Масъуллар фарзандим тақдирига бефарқ бўлмади»

Кармана туманидаги «Буюк ипак йўли» маҳалласида ўтказилган сайёр қабулда ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жойини таъмирлаш, бандлигини таъминлаш, олий таълим муассасасига шартнома маблағларини тўлаш ҳамда коммунал соҳаларда мурожаатлари тингланди.

– Фарзандим бетоблиги боис яқинда тиббий текширувлардан ўтказган эдим, шифокорлар уни рахит касаллиги билан оғриётганини айтишди, – дейди **Мафтункор кўчасида яшовчи Зарина Абдулҳакимова.** – Рўзгордан орттириб фарзандимни даволатишга шароитим йўқ эди. Маҳалламизда ўтказилган сайёр қабулда муаммом ижобий ҳал бўлди. Туманимиз ҳокимининг ташаббуси билан бугун фарзандим тиббиёт муассасасида даволанмоқда. Мурожаатим ижобий

ҳал этилишида амалий кўмак бериб, фарзандим тақдирига бефарқ бўлмаган масъулларга миннатдорчилик билдираман.

Қабул давомида фуқаролар томонидан жами 16 та мурожаат тингланиб, уларнинг 6 таси жойида ҳал этилди, 7 таси бўйича жойига чиқиб, ўрганган ҳолда ижобий томонга ҳал этиш борасида масъулларга кўрсатма, 3 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Қабулда туман ҳокими Ф. Умаров иштирок этди.



# «АВВАЛГИЛАРГА ҲАМ, БИЗЛАРГА ҲАМ РЎЗА ТУТИШ ФАРЗ ҚИЛИНГАН»

Аллоҳга беҳисоб шуқр, яна оилар султони Рамазони шарифга эсон-омон етиб келдик. Яна муборак ой рўзалари тутмоқдамиз. Тошкент шаҳар бош имом-хатиби, «Шайх Зайниддин» жоме масжиди имоми Абдуқаҳҳор домла ЮНУСОВ билан ушбу саодатли ой фазилатлари ҳақида суҳбатлашдик.

— *Ассалому алайкум, домла. Аввало, оилар султони – Рамазони шариф билан самимий муборакбод этамиз. Уқувчига, табиийки, ойнинг номи қизиқ. «Рамазон» сўзининг маъносини билиб олган муштарийлар мавзунини аниқроқ тушунишади. Шунингдек, рўзанинг айнан Рамазон ойида тутилишида ҳам ҳикмат бор. Шу ҳақда тўхталсангиз.*

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокотух.

Рамазон илк бор шиддатли жазирама кунларига тўғри келгани боис «Рамазон» деб аталган. Бу ном «рамз» сўзидан олинган бўлиб, «қизимок», «қизиб чўғ бўлмоқ», «куйдирмоқ» маъноларини англатади.

Мазкур ойда рўза тутган одамнинг гуноҳлари куйиб йўқ бўлади, айбу нуқсонлари кечиради.

Рамазон рўзаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилганларининг иккинчи йилида Шабон ойидан икки кеча ўтганидан сўнг душанба кунини фарз қилинди. Бу милодий 623 йилнинг 7 февралига тўғри келади.

Рамазон рўзасини тутишда ҳикмат кўп. Чунки Аллоҳ таоло рўза тутуш учун ушбу ойни танлаган. Бу ойда Қуръон нозил бўлган. Ояти каримада: **«Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги(уммат)ларга фарз қилинган каби сизларга ҳам рўза тутуш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз. Санокли кунларда.»** (Бақара сураси, 183–184-оятлар).

Рўза Одам алайҳиссаломдан то Муҳаммад алайҳиссалом давригача ўтган барча пайғамбар ва умматларга фарз қилинган. Лекин рўза тутушнинг шарт ва қоидалари турлича бўлган. Айрим умматлар Рамазон ойи ёзнинг иссиқ кунларига тўғри келиб қолса, Аллоҳдан ёки Унинг пайғамбаридан беижозат шаккоклик билан уни бошқа ойлarga кўчириб, бу қилмишларининг жаримаси учун, ўзла-

рича, яна ўн кун қўшимча рўза тутушган. Демак, рўза Одам алайҳиссаломдан бери бажариб келинаётган ибодатдир.

— *Рўздорнинг одоблари ҳақида тўхталсангиз. Кўпчилик рўзани саҳардан шомга қадар еб-ичишдан тийилиш, жимо қилиш, шаҳватдан тийилишигина деб тушунишади. Аммо рўза бу қадар жўн амал эмас-ку, тўғрими?*

— Ҳалим бўлиш, ўзгалар билан уришиб тортишмаслик, жаҳли чиққан вақтда ҳам ўзини қўлга ола билиш рўздорнинг одобларидан ҳисобланади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай хабар берганлар: **«Рўза қалқондир. Қачон бирортангиз рўздор бўлса, ёмон гап гапирмасин, жоҳиллик қилмасин. Агар бирор киши у билан урушса ё уни ҳақорат қилса: «Мен рўздорман, мен рўздорман», десин»,** дедилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Ҳадиси шарифдаги «қалқон» дея таржима қилинган «жуннатун» калимаси луғатда «тўсувчи», «ҳимоя қилувчи» каби маъноларни англатади. Шунга кўра, уламолар ушбу калимадан қандай маъно кўзлангани ҳақида қуйидагиларни айтганлар:

Набий алайҳиссалом рўздорнинг яна бир сифатини таъкидлаб «жоҳиллик қилмасин», деганлар. Шунга кўра, рўздор биров уришиб ҳақорат қилган тақдирда ҳам: «Мен рўздорман, мен рўздорман», дейиши лозим.

Уламолар бундай деганлар: «Инсон бир нарсадан узлуксиз бир ой ўзини сақласа, ўша нарса унинг одатига айланиб, мазкур муддатдан кейин ҳам доимо ундан сақланадиган бўлиб қолади».

— *Рамазон ойида имкони бўла туриб рўза тутмасликнинг оқибати қандай? Шу ўринда каффорат ҳақида ҳам маълумот бериб кетсангиз.*

— Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Ким руҳсатсиз ва касал бўлмай туриб, Рамазонда бирон кун**

**рўза тутмаса, гарчи бир умр рўза тутса ҳам, ўша бир куннинг қазосини ўтай олмайди»** (Имом Термизий ривояти).

Наҳаъий Рамазоннинг рўза тутилмаган ҳар бир кунини учун уч минг кун рўза тутиб беришни вожиб деб билганлар.

Саид ибн Мусайяб: «Ҳар бир кун ўрнига ўттиз кун рўза тутиб бериш вожиб», деган бўлсалар, Имом Моликнинг устози Робийъа розияллоҳу анҳу: «Ҳар бир кун эвазига, ўн икки кун рўза тутилади», деганлар.

— *Ифторлик қандай бўлиши керак. Бугунги кунда ифторликлардаги дабдабозликлар қанчалик тўғри?*

— Ифторлик дабдабадан холи, Аллоҳ учун бўлиши керак.

— *Рўза тутуши шарт бўлмаган кишилар ёки ҳолатлар ҳақида айтсангиз. Улар бунинг ўрнига нима қилишади?*

— Рўза тутмасликни ёки тутган бўлса ҳам, очишни мубоҳ қилувчи бир қанча ҳолатлар мавжуд:

ҳалок бўлиши, бирор аъсосига талафот етиши, янги касаллик пайдо бўлиши, мавжуд беморлиги зиёдалашиши хавфи бўлган кишилар рўза тутмайдилар;

мусофир киши рўза тутуш-тутмасликда ихтиёрлидир. Имкони бўлса, тутгани афзалдир. Рўза тутмаслиги мумкинлигига шариат томонидан руҳсат берилган. Рўза тутганидан сўнг сафарга чиқса, рўзасини очишга руҳсат берилмайди. Очиб юборса, қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди. Рўза тутганидан сўнг сафарни ният қилса-ю, ўз шаҳридан чиқиб кетишидан аввал еб-ичиб юборса, каффорат лозим бўлади;

ҳомилдор ёки эмизикли аёл ўзининг ё боласининг жонига нуқсон, ҳалокат етиш хавфи бўлса, рўза тутмасликка, тутган бўлса, очиб юборишга руҳсат берилади. Уларга каффорат вожиб бўлмайди;

очлик ёки чанқоқлик ҳалокат ёки беморликка олиб борса, рўзани очишлик узр саналади;

эркагу аёл ёши кексайиб, рўза тутушга қудрати етмаса, бу ҳолат умрининг охиригача давом этса, рўза тутмасдан бадалига фидя тўлаши лозим бўлади.

Шунингдек, сурункали касалликка дучор бўлганлар ҳам рўза тутмаслиги мумкин. Уларга ҳар кунлик рўзаси эвазига фидя тўлаши вожиб бўлади. Айрим кишилар ёзнинг узун кунларида тутолмай, кишининг қисқа кунларида тутушга қудратлари етса, рўза тутушлари фарз бўлиб, фидя кифоя қилмайди. Сафарбарлик ҳам рўза тутмасликка сабаб бўлади.

— *Рўзанинг маънавий ва жисмоний фойдалари (тиббийёт томонидан исботланган фойдалари ҳақида) ҳам билиб олсак.*

— Рўзанинг жуда кўп ва турли-туман фойдалари бор.

**Биринчидан**, рўза инсон танасини турли касалликлардан асрайди. Чунки танадаги кўп касалликлар асосан меъда ва ичакларда тўпланиб қолган чиқиндилардан ҳамда ортиқча семириб кетишдан бўлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Рўза тутинглар, соғлом бўлувсиз»**, деганлар (Имом Табароний ривояти).

**Иккинчидан**, рўза зехнни ўткир қилади, хотирани мустаҳкамлайди.

**Учинчидан**, рўздор кишининг тана аъзолари ҳаракати тоат-ибодатлар учун энгил бўлади.

**Тўртинчидан**, рўза туфайли шайтоннинг малайлари мағлуб бўлади, Раҳмоннинг лашкарига нусрат ато этилиб, ғолиб бўлади.

**Бешинчидан**, рўза туфайли дуолар қабул бўлади. Қолаверса, тиббий-илмий излашлар натижасида рўзанинг турли жисмоний ва руҳий касалликлардан ҳимояланишда ва уларнинг олдини олишда фойдаси борлиги исботланди.

— *Суҳбатингиз учун ташаккур!*

Робияхон ТОҲИРОВА  
суҳбатлашди.

